2016 ЙИЛ 10 МАРТ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 49 (13.112)

Баҳоси эркин нархда

ШҲТ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЁБИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 21 январдаги Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги доирасидаги бошқа тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ мамлакатимизда ушбу йирик анжуманни юқори савияда ўтказиш учун изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳозирги шиддат билан ўзгараётган замонда халқлар фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган нуфузли халқаро ташкилотдир. Мана, 15 йилдирки, ШҲТга аъзо давлатлар ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида самарали лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жаҳон ҳамжамияти эътиборини бутун дунёга таҳдид солиб турган халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарларнинг олдини олишга даъват этаётир.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи маротаба раислик қилаяпти. Мамлакатимиз ушбу ташкилотга илк бор 2003-2004 йилларда раислик қилган. 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг саммитида ШҲТ фаолиятининг икки асосий йўналиши – хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинган.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу саммитда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, минтақадаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича юксак самарали ғоя ва таклифларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ҳамда хавф-хатар ошиб бораётган бир шароитда бу минтақа ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ҳамда бой табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва биринчи навбатда углеводород захиралари туфайли халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб келаётганини таъкидлади. Афғонистондаги тикланиш жараёни билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

ШҲТнинг Тошкентда ўтган саммитида Афғонистондаги вазият муҳокама этилган долзарб масалалардан бири бўлди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мазкур анжуманга Афғонистоннинг ўша пайтдаги муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай меҳмон сифатида илк бор таклиф қилинди ва бу ташаббус кейинчалик анъанага айланди. Зеро, Афғонистон раҳбарининг бевосита муҳокама жараёнида иштирок этиши вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда ҳар томонлама мақбул қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2004 йилги саммити доирасида пойтахтимизда ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи – Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг очилгани ШҲТ фаолиятидаги муҳим тарихий воқеа бўлди. Унинг зиммасига ахборот алмашиш, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш, терроризм, экстремизм ва айирмачиликка, гиёҳвандлик моддалари ҳамда қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши биргаликда курашишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш каби вазифалар юкланди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



"Ташаббус – 2016"

ТАДБИРКОРЛИК ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖИГА КЕНГ ЙЎЛ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида ижобий ишлар амалга оширилаётир. Соҳа вакилларини рағбатлантириш ҳамда янги марралар сари илҳомлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан анъанавий тарзда ҳар йили "Ташаббус" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Шу кунларда кўрик-танловнинг 2016 йилги мавсуми ҳам бошланди. Юртимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун ўтказилаётган танловнинг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Чилонзор туманидаги "Гавҳар" тантаналар уйида танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда туманда яхши кўрсаткичларга эришган йигирмата тадбиркорлик субъекти ва ўндан ортиқ ҳунармандлар ўзларининг маҳсулотлари ва ижод намуналари билан иштирок этишди.

Мазкур кўрик-танлов ҳудудларда тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини ошириш, шунингдек, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асрлар оша сақлаб келаётган ҳунармандчилигимизни ривожлантириш, бу йўналишда меҳнат қилаётган усталаримизни қўллаб-қувватлаш, уларни янада кўпроқ изланиш, ижод қилишга ундайди.

– Давлатимиз томонидан тадбиркорликка берилаётган эътибор туфайли бу соҳанинг қанчалик ривожланаётганини бугунги тадбир иштирокчиларининг маҳсулотлари сифатига қараб ҳам билиш қийин эмас, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси "Чилонзор Ахборот-маслаҳат хизмати" унитар корхонаси раҳбари Саиджамол Султонов. – Қатнашчиларнинг ҳар бири ғолиблик учун муносиб номзоддир. Улар томонидан қилинган ишлар ва маҳсулотларнинг бири-биридан сифатлилиги ғолибни аниқлашда ҳакамлар масъулиятини янада оширмоқда.

"Ташаббус – 2016" кўрик-танлови янги талаблар – яъни қатнашчининг фаолияти ва эришган ютуқларини объектив ва кенг кўламли баҳолаш имконини берадиган, давр талабидан келиб чиққан ҳолда киритилган мезонлар бўйича аниқланади.

Танлов якунига кўра ғолиб ва совриндорлар аниқланди. "Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинациясига "Magnus Industrial Group" масъулияти чекланган жамияти лойиқ топилди.

"Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишида ёғоч ўймакори Равшан Норходжаев ғолиб бўлди.

– Юртимизда тадбиркорлар учун кўплаб имконият ва енгилликлар яратилган, шунингдек, соҳани янада ривожлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда, – дейди "Magnus Industrial Group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нозим Лутфуллаев. – Ана шундай эътибор самарасида фаолиятимиз кун сайин ривожланмоқда. Бугунги ютуғимиз корхонамиз жамоасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Режаларимиз кўп, маҳсулот тури ва сифатини ошириш устида иш олиб бормоқдамиз.

Тадбирда шунингдек, қатор номинациялар бўйича тадбиркор ва ҳунармандлар рағбатлантирилди.

Ғолибларга кўрик-танлов ташкилотчилари томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда шаҳар босқичига йўлланмалар топширилди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

ХХ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистонда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-таомиллари" мавзусида семинар ўтказилди.

● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Янгиобод тумани кенгаши ҳамда тумандаги агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ҳамкорлигида "Асрий қадриятлар – миллат кўзгуси" лойиҳаси доирасида миллий либослар кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмада ушбу коллежда тикувчилик йўналиши бўйича таҳсил олаётган қизлар ўзлари тайёрлаган миллий либосларни намойиш этди.

● Фарғона вилоятининг Данғара туманида "Аёллар соғлиғи – жамият бойлиги" лойиҳаси доирасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Реконструкция ишларидан сўнг, замонавий қиёфа касб этган маданият ва дам олиш марказида хореография, бахшичилик, драма, бичиш-тикиш, рақс тўгараклари, "Шуъла" халқ чолғу ансамбли фаолияти йўлга қўйилган.

ЖАҲОНДА

● JPM Morgan Chase банки ходими шахсий мақсадлари учун яширин равишда мижозларнинг маблағларидан фойдаланганлиги учун жазога тортилди. Гап шундаки, ушбу банк ходимларидан бири кейинги етти йил давомида мижозларнинг маблағларидан Apple, Google, Netflix компанияларининг акцияларини харид қилиш ва сотиш, шунингдек, кўчмас мулк ва кредит карталари бўйича қарзларни тўлаш учун фойдаланган.

● Ўтган ойда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлари хизмат кўрсатиш секторидаги ҳолатнинг анча мураккаблашганлиги кузатилди. Яъни, соҳадаги ишбилармонлик фаоллигини билдирувчи индекс 53,6 пунктдан 53 пунктга тушган. Бу 2015 йил бошидан буён қайд этилган энг паст кўрсаткичдир. Европа Марказий банки бундай вазиятни ўнглаш мақсадида ҳар ойда молия тизимига 60 миллиард евро миқдорида маблағ йўналтирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 31 март куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлисида мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар, шу жумладан, "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги (янги таҳрири), айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар, мамлакатнинг айрим идоралари ва муассасалари ҳисоботлари, шунингдек, Сенатнинг прокуратура органлари фаолиятини назорат қилувчи комиссияси таркиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ

12-13 март – умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади

Юртимизга сепини ёйиб, баҳор кириб келди. Табиат уйғонди. Ҳаммаёқда яшиллик барқ урмоқда. Дарахтлар гуллай бошлади. Наврўзи олам яқинлашмоқда.



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Кўклам – она табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Шу боис унинг ҳар бир кунини ғанимат билайлик. Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш баҳорий мавсумнинг асосий вазифаларидан бири эканини унутмайлик!

Март-апрель – ободонлаштириш ойлигида ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этайлик! Шаҳримизнинг янада гўзал ва обод бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик! Наврўзи оламни муносиб кутиб олайлик.





Қонун лойиҳасига шарҳ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қизғин муҳокама қилинмоқда. Қонун лойиҳаси нормаларининг амалга оширилиши мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига мос келадиган бухгалтерия ҳисоби тизимининг янада такомиллашишини таъминлайди.

Мазкур ҳужжат юзасидан қўмита ҳузурида назариётчи олимлар, амалиётдаги мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилган. Айни вақтда қонун лойиҳаси бўйича келиб тушган таклифлар, фракцияларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганиб чиқилмоқда. Табиийки, асосли таклифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қонунчилик ташаббуси асосида киритилган мазкур ҳужжатнинг мақсади ўтган йиллар давомида қонунчиликда юз берган ўзгартиришлар билан мувофиқлаштиришга қаратилган алоҳида моддаларни қайта кўриб чиқиш, янги ва аниқлаштирувчи нормаларни киритиш ҳамда халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби тизимини янада ривожлантириш учун замонавий шароит ва имкониятлар яратиш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, 1996 йил 30 августда қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, хўжалик операцияларини назорат қилиш, бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартибини қамраб олган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизимининг шакланишига муҳим таъсир кўрсатди. Қонун бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига хўжалик юритувчи субъектларнинг риоя қилишини таъминлашда муҳим роль ўйнаши баробарида, бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ тизимини ташкил этиш муаммосини самарали ҳал этишда ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга, Қонуннинг айрим моддалари ва нормаларини амалиётда қўллашда бошқа қонун ҳужжатлари билан номувофиқликлар мавжуд. Бу, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда судлар фаолиятида маълум қийинчиликларга олиб келмоқда.

Бундан ташқари амалдаги қонунда бухгалтерия ҳисоби ва унинг элементлари тушунчалари, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш функцияларини амалга оширувчи масъул шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг касбий малакаларига талаблар аниқ белгиланмаган. Қолаверса, унда бухгалтерлар жамоат бирлашмаларининг мақоми белгиланмаган.

Бюджет кодексининг қабул қилиниши муносабати билан Қонунга 2013-2014 йилларда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари масалаларида айрим ёндашувларни ўзгартиришга ва молиявий ҳисобот шаклларини қисқартиришга олиб келди. Шу тариқа жўшқин ривожланаётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдек объектив заруриятни юзага келтирди.

Бу ҳақда фикр юритганда, аввалambor, янги қонун лойиҳаси бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга тубдан ўзгартиришлар киритмаслигини таъкидлаш лозим. Бинобарин, қонун лойиҳасининг аҳамиятли жиҳати – мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида юз берган ўзгартиришларни, бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил қилиш борасида тўпланган миллий ва халқаро тажрибани ҳисобга олиш, демакдир.

Бухгалтерия ҳисобининг субъектига доир қонун лойиҳасининг бош мақсади – бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тайёрланадиган молиявий ҳисоботдан кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қонун лойиҳасида тартибли тизим сифатида бухгалтерия ҳисоби тушунчаси ва унинг элементлари, бухгалтерия ҳисоби субъектлари ва объектлари, масъул шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ажратиш ҳамда бухгалтерлар жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилашга ўрғу берилган. Бунда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш ҳамда ички назорат тизимини таъминлаш бўйича хўжалик юритувчи субъект ва бухгалтерия хизмати раҳбарларининг масъулиятини оширишга қаратилган қатор механизмлар кўзда тутилган.

Ишлаб чиқилган ўзгартириш ва қўшимчалар амалиётда синалган халқаро қоидаларга асосланган бўлиб, ушбу соҳадаги муайян аниқ масалаларни ҳал қилишга қаратилгандир. Бу ўринда, аввало, бухгалтерия ҳисобининг асосий тушунчаларини белгилаш, бухгалтерия ҳисоби объектларини батафсил ёритиш ва ички назоратни таъминлаш бўйича меъёрий талабларни ўрнатиш орқали бухгалтерия ҳисоби тизими шаффофлигини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари ва кредит ташкилотлари учун бухгалтерия ҳисоби тартибга солиш қамрови аниқлаштирилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ҳисоб юритиши шарт бўлган бухгалтерия ҳисоби субъектлари рўйхати ҳам конкретлаштирилганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Қонун лойиҳасида бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбарлари ва бухгалтерия хизмати раҳбарларининг ҳуқуқ, мажбуриятларини аниқлаштириш орқали уларнинг масъулиятини ошириш ва йирик корхоналарнинг бухгалтерия хизмати раҳбарларига малакавий талабларни белгилашга доир нормалар ўз аксини топган. Бухгалтерия ҳужжатларининг сақлаш муддатларини ўрнатиш ва мажбурий реквизитларини батафсил ёритиш, электрон ҳужжатлар айланиш тизимини юритиш масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

Бундан ташқари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисоботни тақдим қилувчи бухгалтерия ҳисоби субъектларини аниқлашга доир нормалар назарда тутилган. Қолаверса, мазкур лойиҳадан кўзланган яна бир муҳим мақсад қонунчилик даражасида бухгалтерлар жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш орқали уларнинг бухгалтерия ҳисобининг ривожланишида иштирокини таъминлашдан иборат эканини таъкидлаш ўринлидир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш соҳасида бухгалтерларнинг профессионал жамоат бирлашмалари ролини ошириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланган бухгалтерларнинг ихтиёрий жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мақомини қонунда белгилаб қўйиш таклиф этилмоқда.

Айни чоғда, қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида қатор ривожланган мамлакатларнинг ушбу соҳага оид қонунчилиги чуқур ўрганилганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ушбу лойиҳа бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш борасида амалиётда синалган қоидалар, ёндашувлар ҳамда бошқа давлатларнинг тажрибасидан фойдаланишга асосланган.

Умуман олганда, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунга таклиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар бухгалтерия ҳисобининг шаффофлиги, ички назорат тизимини таъминлашга, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бухгалтерларнинг ҳуқуқий маданияти, уларнинг касбий масъулиятини кучайтиришга, бухгалтерларнинг, республика профессионал жамоат бирлашмаларининг мақомини оширишга қаратилган. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мазкур соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга ва бартараф этишга хизмат қилади.

Элбек ШУКУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Тошкент давлат юридик университетида "Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ҳуқуқий тартибга солиш: миллий ва хорижий тажриба" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Олий хўжалик суди масъул ходимлари, иқтисодчилар, ёш олимлар иштирок этди.

Университет ректори Е.Каньязов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда корпоратив бошқарув тамойилларига асосланган мулк муносабатларини ривожлантириш, акциядорлик жамиятлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий мулкнинг турли шаклларини ривожлантириш, бошқарувни халқаро талаблар даражасида ташкил этиш, ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлашда ҳуқуқий асос бўлаётир.

Мутахассислар акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини изчил жорий этиш, хусусийлаштиришни жадаллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, жамият фаолиятини рағбатлантириш, иш жараёнининг очиқлигини таъминлаш соҳа ривожининг асоси эканини таъкидлади.

– Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими жорий этилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти Неъмат Ҳамрохўжаев. – Етакчи хорижий компаниялар, мутахассислар ҳамда экспертлар иштирокида ўтказилаётган учрашувлар энг самарали бошқарув усуллари ва соҳа янгиликларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим ва мутахассисларини тизимли асосда тайёрлаш, корпоратив бошқарув соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришни кучайтириш, жамиятлар фаолиятини тартибга солиш, соҳа ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, иқтисодий фаровонликни таъминлаш асосларига бағишланган маърузалар тингланди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

ШҲТ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЁБИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари мазкур тузилманинг муваффақиятли фаолият олиб боришининг энг муҳим шарти – бизнинг Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунёдаги хавфсизлик ҳамда барқарорликка қарши қаратилган хавф-хатар ва таҳдидларга умумий ҳамда ягона ёндашув ва қарашимиз, деб таъкидлади. Унинг муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Ўзбекистон бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларини ишга солишини қайд этди.

Президентимиз таъкидлаганидек, терроризмга қарши курашда қўпорувчиларни, уларнинг базаларини йўқотиш билан чекланиб, яъни таҳдидларга фақат куч ишлатиб жавоб бериш билан кифояланиб бўлмайди. Одамларнинг онгини заҳарлайдиган, терроризмни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин курашиш керак. Бу кураш сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мезонларни ҳам қамраши даркор. Саммитда давлатимиз раҳбари ана шу заруратни таъкидлар экан, террор ва наркобизнес учун "транзит давлат" тушунчасининг ўзи йўқлигини қайд этди.

ШҲТ доирасида аъзо мамлакатларнинг ташқи сиёсат маҳкамалари, иқтисодиёт ва савдо вазирликлари, хавфсизлик кенгашлари ўртасида мунтазам мулоқотлар ўтказилмоқда. 2004 йилги Тошкент саммити арафасида ҳам мазкур идоралар раҳбарларининг учрашувлари уюштирилди. Бу ташкилотни ривожлантиришга, унинг доирасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилди.

Ҳар бир мамлакатнинг ва бутун минтақанинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, коммуникация ҳамда транспорт соҳаси, сув-энергетика ва хомашё захираларидан, инсоний салоҳиятдан оқилона фойдаланишга доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни ўзаро келишиш ҳамда мувофиқлаштириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётир. Ислом Каримов таклифига биноан ШҲТ доирасида минтақага хорижий капитал ва инвестицияларни жалб қилиш, шу мақсадда бу ҳудуддаги мамлакатлар учун умумий бўлган шарт ва қоидаларни шакллантиришга қатта эътибор қаратилди. Бугунги кунга келиб ШҲТ саммитлари доирасида илгари сурилаётган барча таклиф ва ёндашувлар турли соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, халқларимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Саммитда ҳамкорликда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хомашё захираларини ўзлаштириш, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экология, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш каби долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди.

Мазкур омилларга катта эътибор қаратган Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтадиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, транспорт йўлаклари ва йўналишлари борасида илгари сурилган ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу ғоя ва таклифлар ШҲТга аъзо давлатлар билан Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилаётир. Ҳамкорликда иқтисодий дастур ва лойиҳалар фаол амалга оширилаяпти. Ўзаро мулоқот ва учрашувларда эришилган келишувларнинг барчаси бугун амалда ўзининг юксак натижаларини бераётгани аҳамиятлидир.

Саммитда минтақамиз истиқболига доир муҳим ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. ШҲТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги низом ҳамда ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир қатор бошқа ҳужжатлар имзоланди. Эътиборлиси шундаки, ушбу анжуманда илк маротаба Мўғулистон вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этишди. Бу ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи давлатлар билан амалий ҳамкорликнинг йўлга қўйилишидаги дастлабки қадам бўлди. Шунингдек, мазкур саммит халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аниқ амалий натижаларга бой бўлгани ва ишчанлик руҳида ўтгани билан ШҲТ саҳифасидан алоҳида ўрин олди.

Мазкур ташкилот саммитларида қабул қилинган ҳужжатлар минтақамизда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш, ШҲТга аъзо ва кузатувчи давлатлар, мулоқот бўйича шериклар билан маданий-гуманитар, илм-фан, савдо, иқтисодиёт, инвестициялар ва транспорт коммуникациялари соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилот фаолияти самарадорлигини муттасил оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

Пойтахтимизда Марказий банк ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамкорлигида "Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш" мавзусида анжуман ташкил этилди.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШАДИ

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда давлатимиз томонидан саноат корхоналарини модернизация қилиш, янги технологияларни кенг жорий этиш орқали рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, ТИФ миллий банк ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини оширишга муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Биргина жорий йилнинг январь ойида жамғарма томонидан 284 та тадбиркорлик субъектига товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий кўмак кўрсатилди. Натижада 162 та тадбиркорлик субъекти 90 млн. АҚШ долларилик экспорт шартномаларини имзолашга муваффақ бўлди.

Бундан ташқари йил бошидан бери 50 дан ортиқ тадбиркор юздан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган "Яшил ҳафта — 2016" халқаро кўргазмасида иштирок этди ва 5 та фермер хўжалигига 9 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулотини экспорт қилиш бўйича келишувлар тузилишига кўмаклашилди.

Жамғарма Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш жараёнида вужудга келаётган муаммоларни чуқур ўрганган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида мутасадди давлат ташкилотлари, экспортбоп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, ташқи савдо ва логистика компаниялари иштирокида туркум суҳбатлар ўтказди.

Қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажми ҳамда географиясини кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотлари экспортида янада қулай шарт-шароит яратиш мақсадида жамғарма миллий банк ҳамда фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда республиканинг боғдорчилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган барча туманларида янги агрофирмалар ташкил этмоқда. Мазкур агрофирмалар импортчи ва йирик хорижий савдо мажмуаларининг талабидан келиб чиқиб, мева-сабзавот маҳсулотларини йил давомида узлуксиз ташқи бозорларга етказиб бериш ҳисобига мақбул нархларда шартномалар тузиш ҳамда экспорт салоҳиятини қўшимча даромад олиш ҳисобига ошириш имкониятига эга бўлди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакилларига жамғарманинг 2016 йил учун устувор вазифалари хусусида ҳам маълумотлар берилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Ота-боболаримиз азалдан маҳаллани қадрлаган, ҳар бир ишни маҳалла аҳли билан маслаҳат қилган. Одамлар бир-бирига елкадош бўлиб, эзгу орзу-мақсад сари бир ёқадан бош чиқариб интилган.

Маҳалла кишиларнинг меҳр-оқибатли бўлиб, ҳамжиҳатликда яшашида алоҳида ўрин тутади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Мазкур янгиланишлар намунаси ва фаол иштирокчиси сифатида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг узвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими – маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.





Ўтган йиллар ичида ушбу тизимга доир кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, натижада унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада такомиллашди, вазифалари кўлами ҳам кенгайди. 2013 йил 22 апрель куни янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юқоридаги фикримизнинг далилидир. Ушбу Қонуннинг 11-моддасида маҳалла фуқаролар йиғини йилнинг ҳар чорагида вилоят, туман ва шаҳар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиши белгилаб қўйилди.

Пойтахтимизнинг бир қатор туманларида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-тамойиллари" мавзусида семинарлар ўтказилиб келинмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шундай ҳисобот йиғилишининг навбатдагиси Шайхонтоҳур туманида ўтказилди.

Семинарда маърузачилар фуқаролар йиғинларининг йилнинг ҳар чорагида маҳаллий давлат ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини ташкил этиш, унинг ҳуқуқий асослари, ҳисоботларни эшитиш тартиби ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар бердилар.

— Семинар давомида маърузачилар томонидан ҳисоботларни эшитишнинг тартиб-тамойиллари, ҳисоботни эшитиш якунлари бўйича қабул қилинадиган қарорларининг ижросини назорат қилиш механизмлари тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтилди, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги "Шофайзи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Шамсутдинов.

Семинарда соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари ва тажрибали маҳалла фаолларининг амалий таклифлари асосида фуқаролар йиғинларида тизимли равишда ҳисобот йиғилишларини ўтказиб бориш борасида эришилган ютуқлар ҳамда фойдаланилмаган имкониятлар муҳокама этилди.

Шайхонтоҳур туман ҳокими Мираъзам Мирқосимовнинг ҳисоботида фуқаролар йиғини ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган амалий тадбирлар, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар, коммунал ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати аниқ далиллар асосида таҳлил этилди.

Тадбир давомида маҳалла фуқаролари йиғинлари вакиллари томонидан маҳаллаларда мавжуд камчиликларнинг ечими ҳамда келажакдаги амалга оширилиши керак бўлган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Зиёда РАСУЛОВА,
Бекзод СУЛТОНОВ

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Спорт мамлакатни дунёга танитишда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Спортда муваффақият қозониш учун эса табиийки, болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш лозим.

Шу боис ҳам Истиқлолнинг илк йиллариданоқ шахсан Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирда ҳар бир умумтаълим мактабида, мактабгача таълим муассасасида фарзандларимиз спортнинг турли йўналишлари бўйича ташкил этилган секцияларда ўзлари қизиққан спорт тури билан шуғулланаётганлари ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, болалар ўртасида спортни оммалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Жамғарманинг Тошкент шаҳар филиали томонидан Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Юнусобод туманида ҳам болалар спортини ривожлантириш мақсадида эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Туманда 2 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мавжуд бўлиб, ушбу спорт масканларида 22 та секция фаолият юритмоқда. Ушбу спорт мактабларида ўғил-қизларимиз 21 та спорт турлари сирларини ўрганишмоқда. Тумандаги спорт мактабларида 1799 нафар ўқувчи мунтазам у ёки бу спорт тури билан шуғулланиб келади. Ушбу спорт масканларида миллий терма жамоага аъзо бўлганлар 220 нафарни ташкил этади. Спорт мактабларида ёшларга 84 нафар мураббий спорт сирларини ўргатиб келмоқда. Ўтган йили турли спорт турлари бўйича уюштирилган мусобақаларда қатнашган юнусободлик ёшларнинг 12 нафари совринли ўринларни эгаллашди. Бу ёшларнинг 6 таси шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этган бўлса, 2 таси 2-ўринни, 4 таси эса 3-ўринни эгаллашгани қувонарли.

Ўтган йили 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Бунга Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ва бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан 4810,8 миллион сўм маблағ сарфланди.

Юнусобод туманидаги мавжуд 38 та умумтаълим мактабларида 42315 нафар ўқувчи таҳсил олса, мактаблардаги 199 та спорт тўгаракларида 19494 нафар ўқувчи спорт сирларини ўзлаштирмоқда.

Туманда ўтган йили 11 марта ташкил этилган маҳорат сабоқларида 984 нафар ўқувчилар (178 нафар қизлар) иштирок этишди.

Шунингдек, Юнусободда 6 та академик лицей ва 6 та касб-ҳунар коллежлари мавжуд бўлиб, бу таълим масканларида 12192 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Ушбу таълим муассасаларининг спорт соғломлаштириш гуруҳларида 3486 та ўқувчи спортга ошно бўлишган. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан туманимиздаги 38 та умумтаълим мактабларига 184 та 113543200 сўмлик спорт жиҳозлари берилди. 2-сонли болалар ва ўсмирлар олимпия ўйинларига ихтисослаштирилган мактаби ҳамда 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 67587225 сўмлик спорт жиҳозлари туҳфа этилди. Туманимиздаги ички ишлар идоралари рўйхатида турувчи вояга етмаган 86 нафар болалар спорт секцияларига жалб қилинган.

Хулоса қилиб айтганда келажагимиз ворисларининг соғлом, жисмонан бақувват бўлиб улғайишлари учун жамғармамиз томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Аммо, ҳали бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина. Жорий Соғлом она ва бола йилида ҳам ёш авлодга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида бу хайрли юмушларни бажараверади. Зеро, соғлом ва жисмонан бақувват ёшлар бизнинг келажагимиздир.

Хуршид ҲОЖИМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали бош мутахассиси, Юнусобод туман вакили

Жамғармалар фаолиятидан

ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Архивлар фаолиятидан

ЯНГИ ДАСТУРЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Давлат архивларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун уларни электрон шаклга ўтказиш, нусха олиш, архив ҳужжатларини эҳтиётлаш, маълумотларни енгил топиш мақсадида қидирув дастури яратилди. Бу ўз ўрнида архивларга мурожаат қилувчи тадқиқотчилар ва фуқароларга, қолаверса, архив ходимларига қулайлик яратади.

Ушбу дастурга архив сақлов хоналари рақами, жавон, фонд номи ва рақами, ҳужжат рақами ва ҳужжат ичидаги маълумотлар ҳам киритилган. Ҳужжатлардан фойдаланишнинг осон бўлиши ва керакли маълумотнинг енгил топилиши мақсадида жорий этилган мазкур дастурга ҳозирда архивда мавжуд фондлар бирма-бир киритилмоқда.

Ўтган Кексаларни эъзозлаш йилида архивда нафақа ёшидаги фуқароларга маълумотномалар бериш бўйича кўрсатилган хизматлар юқори даражада амалга оширилди. Таъкидлаб ўтганимиздек, қидирув тизими яратилганлиги иш жараёнини бирмунча енгиллаштирди. Бунга кўра ўтган 2015 йилда фуқаролар мурожаатлари бўйича биргина Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивида 7 минг 300 та нафақа тайинлаш учун маълумотномалар тайёрлаб берилди. Бундан ташқари архивга фуқаролар интернет сайти орқали ҳам мурожаат қилиб, ўз саволларига жавоб олишлари мумкин. "Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивининг махсус (ntmd.uz) сайти ишга тушди, ҳозирда сайт орқали мурожаатлар сони тобора ортиб бормоқда. Бу ёши улуғ фуқароларга қулайлик яратиш, қолаверса, ортиқча сарсонгарчиликнинг олдини олиш борасида қўл келмоқда.

Бу вазифа архивнинг "Ҳужжатлардан фойдаланиш ва илмий ахборот аппарати" бўлими зиммасида бўлиб, жонқуяр ходимлар ўз ишларини масъулият билан бажариб келмоқдалар. Бундан ташқари бўлим архив йўналишида таҳсил олиб келаётган коллеж ҳамда университет талабаларига экскурсиялар ва ўқиш амалиётига керакли материаллар бериш, илмий иш устида тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларни қизиқтирган ва улар учун муҳим бўлган архив маълумотлари билан таъминлаш, корхона ва ташкилотлардан келаётган хатлар ва мурожаатлар бўйича ҳам қатор иш турларини бажармоқда. Келиб тушаётган фуқаролар сўрови, мурожаат, ариза ва хатларнинг ўз муддатида самарали ижросини таъминлаш мақсадида архивнинг ёш ходими Аваз Турабов янги дастур яратди. Бунда келиб тушган ҳамма мурожаатлар рўйхати дастурига тўлиқ киритилиб, бажариш муддати белгиланиб қўйилади. Бундан асосий мақсад мурожаатларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўлиб, келиб тушаётган сўровларнинг рўйхатини осон тузиш ва керак пайтда маълумот олиш мумкин бўлади.

Архивда олиб борилаётган муҳим ишлардан яна бири бу — алоҳида қимматли ҳужжатларнинг библиографияси, яъни, электрон нусхасининг яратилаётганлигидир. Бугун архивда сақланаётган доимий сақловдаги ҳужжатларни рақамлаштириш (оцифровка) жами 272420 та кадр, 4640 та сақлов бирлигидаги ҳужжат, библиография 126347 та карточка, 25572 та сақлов бирлигидаги ҳужжатлар электрон базаси яратилди. Бу тарихий аҳамиятга эга, миллий архив фондига киритилган, доимий сақловдаги архив ҳужжатларининг аввало сақланиши ва келажакда ундан фойланиш, керакли маълумотнинг енгил топилиши мақсадида олиб борилаётган архивнинг асосий иш турларидан бири ҳисобланади. Электрон ҳужжатдан интернет ёки локал тармоқ орқали масофадан туриб ҳам фойдаланиш имконини беради.

Бугунги кунда архивда асосан ёш ходимлар фаолият олиб боришмоқда. Янгиланиш, изланиш ишларига ҳам ёшлар ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Азиза ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари маркази давлат архиви ходими

Президентимиз Ислом Каримов раислигида 11 февраль куни Оқсаройда ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида спорт жиҳозлари ва кийимлари ишлаб чиқаришда улар сифатли, қулай, халқаро стандартларга мос бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

СИФАТЛИ КИЙИМЛАР БОЛАЛАРДА СПОРТГА МЕҲР УЙҒОТМОҚДА

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар самарасида спортга қизиқувчи ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 57,2 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 56 фоизи спорт билан шуғулланмоқда.

Бу спорт жиҳозлари ва кийимларига бўлган талабни оширмоқда. "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар томонидан ушбу талабга мос юқори сифатли, замонавий, қулай ва бежирим спорт кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

– 2015 йилда 190,8 миллиард сўмлик спорт кийимлари ишлаб чиқарилиб, спортчи болаларга етказиб берилди, бир қисми экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 12,2 фоизга кўпдир, – дейди "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти етакчи мутахассиси Замира Юнусова. – Корхоналаримизда маҳсулотлар турини кўпайтириш, рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимиз ва хорижий дизайнерлар ҳамкорлигини кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг валюта маблағларини жалб этган ҳолда болалар спорти учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни янада ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида тизим корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Андижондаги "Lens Textile Invest" масъулияти чекланган жамияти томонидан спортнинг бадиий гимнастика, сузиш, волейбол, баскетбол турлари учун спорт кийимлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Тошкентдаги "Барчиной Тошкент" масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳам енгил ва оғир атлетика, кураш турлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қизлар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда ва спорт билан шуғулланувчи қизларга бепул топширилмоқда.

"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти "Осиё рамзи" модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси, "Шарқ либослари" дизайн маркази ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан қизлар учун миллий кадриятлар ва замонавий дизайнга мос спорт либослари намуналари яратилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан тузилган шартнома асосида "Uztex Chirchik" қўшма корхонасида спорт кийимлари тўплами тайёрланди.

Бу кўркам либослар ўтган йили спортчи қизларга топширилди. Бундай ишлар қизлар ўртасида спортнинг янада оммалашиши, уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда.

– Кўркам спорт либосларининг тақдим этилиши Президентимиз томонидан қизларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етишини таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир, – дейди Юнусобод туманидаги 43-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси З.Содиқова. – Бу либослар ўқувчиларимизнинг спортга бўлган иштиёқини янада оширишга хизмат қилади.

2015 йилнинг 18-20 ноябрь кунлари пойтахтимизда ўтказилган спорт инвентарлари ва кийимларининг "Sport World Uzbekistan – 2015" ва "Болалик дунёси – 2015" халқаро кўргазмаларида "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти корхоналари ҳам фаол катнашди. Ушбу кўргазмада компаниянинг 35 корхонаси томонидан 45 турдаги спорт кийимлари тақдим этилди. "Тэйлор импекс", "Текстиль Милл Ташкент", "Прима текстиль", "Евротекс глобал", "Амин инвест интернейшнл" корхоналарида ишлаб чиқарилган замонавий спорт кийимлари кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли спорт кийимлари болаларга манзур бўлмоқда.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири





Ёш чемпионлар

ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

Лавҳамиз қаҳрамони Мадина Рихсибоева ҳақида гап кетганида унинг тиришқоқлиги, чаққону эпчиллиги, зеҳни ўткирлиги ўз олдига қўйган юксак мақсадлар сари дадил одим ташлаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Ёшлигидан спортнинг бадиий гимнастика ва акробатика турларига бўлган қизиқишини сезган ота-онаси Қодиржон ака ҳамда Муқаддас опа Мадинани Олмазор туманида жойлашган Гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига етаклаб боришди. Спорт мактабида Мадинанинг хатти-ҳаракатларини кузатган мураббийлар — Акмал Очилов ҳамда Гулбаҳор Мақсудовалар маслаҳати билан акробатика секциясида шуғуллана бошлади.

— Мадинада ўзгалардан фарқ қилиб турадиган жиҳатлардан бири унинг тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлигидир, — дейди бизга мураббий Гулбаҳор Мақсудова, — энг аввало, Мадина мураббийларнинг ҳар бир ўгитига амал қилади, акробатика усулларини бехато бажаришга интилади. Чунки шогирдимнинг мақсади нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки халқаро мусобақаларда ҳам биринчи ўринни эгаллашдир. Ишонаманки, у изланишдан тўхтамаса албатта ўз мақсадига эришади.

Дарҳақиқат, устози айтганидек, Мадинанинг спортга бўлган чексиз қизиқиши, ўз устида тинимсиз изланиши самарасини берди. Аввалига, туман ҳамда шаҳар чемпионатларида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган Мадина Рихсибоева ўтган йили Тошкент шаҳрида уюштирилган Ўзбекистон чемпионатида зафар қучди. Мусобақага бошқа рақибларидан кўра пухта тайёргарлик кўрган Мадина шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади ва олтин медаль билан тақдирланди.

— Ҳозирги кунда спорт устасиман, — дейди Мадина, — айни пайтда Тошкент педагогика коллежида таҳсил оляпман. Келгусида ёшларга устоз бўлишни ният қилганман. Аммо, энг катта орзуим жаҳон чемпиони бўлиш.

Ҳа, кимда-ким эзгу мақсадларни ўзига ҳамроҳ билиб, билим олса, интилса, изланса албатта ниятига етади. Буни Мадина Рихсибоеванинг фаолияти якқол исботлайди.

Мадинанинг бу ютуқларидан ота-онаси жуда мамнун.

— Очиғини айтсам, — дея ҳикоя қилади Мадинанинг онаси Муқаддас опа, — қизим аслида ёшлигиданоқ изланувчан, тиниб-тинчимас эди. У бир нарсага қизиқиб қолдими, албатта шу нарса ҳақида бош қотирар, кўп ўйлар, бизга ҳам савол бераверар эди. Унинг акробатикага қизиқишини пайқаб қолдик. Хонасига қамалиб олиб, телевизорда акробатика бўйича спорт кўрсатувларидаги спортчиларнинг хатти-ҳаракатларини бажаришга интилаётганини бир неча бор кузатганман.

Ёшларни жисмонан бақувват, маънан етук, соғлом, қадди-қомати расо бўлишига ёрдам берадиган акробатика тобора оммалашиб боряпти. Мадина сингари ушбу спорт турига меҳр қўйган ёшлар мамлакатимизда кўпчиликни ташкил этади. Аммо, чемпион бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Мадина эса чемпион сифатида ўз олдига янада юксак марраларни забт этишни вазифа қилиб қўйган экан, биз унга жаҳон чемпиони бўлишдек юксак шарафли ном насиб этишини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мамлакатимизда Истиқлол шарофати туфайли спортнинг барча турлари қатори сув спорти ҳам ёшлар орасида тобора оммалашиб бораётир.

ҚУЛАЙЛИККА ЭГА МАСКАН

Буни маҳаллий миқёсдаги турнирлар, мусобақалардан ташқари халқаро беллашувларда ёш спортчиларимизнинг қўлга киритаётган совринлари ҳам яққол исботлаб турибди.

Шу туфайли ҳам мамлакатимизда сув спортини янада ривожлантириш, ёш авлоднинг ушбу спорт турига қизиқишини кучайтириш мақсадида 2007 йилда Республика Сув спорти турларини ривожлантириш маркази фаолият бошлаган эди.

Ушбу марказда 55 та гуруҳ ташкил этилган бўлиб, унда 1500 нафар ёш спортчи сув спортининг барча турлари сир-синоатларини ўзлаштириш имкониятига эга. Марказда ёшларнинг сув спортининг барча турларини пухта ўрганишлари, профессионал спортчи даражасига етишлари учун қулайликлар яратилган. Эътиборлиси, сув спорти бўйича турли ёш тоифасидаги Ўзбекистон терма жамоалари аъзолари ҳам халқаро турнирларга ушбу масканда тайёргарлик кўришади.

Сузишнинг барча йўналишлари, шунингдек, синхрон сузиш бўйича спортчилару малакали мураббийларни тайёрлаш, маҳоратларини ошириш мақсадида ташкил этилган Республика Сув спорти турларини ривожлантириш марказида ўтган йили уч ёшли болалар гуруҳи ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Сузиш энг аввало, инсонни тетик, соғлом, жисмонан бақувват бўлишида катта аҳамият касб этади. Сув спорти билан мунтазам шуғулланганлар эса асаб, юрак, қон-томир хасталикларига чалинмайдилар, оёқ, қўл мушаклари бақувват бўлади, қад-қомат ҳам расо бўлади.

Аҳрол БЕРДИЕВ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА ТУҲФА

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг маънан етук, жисмонан бақувват ва соғлом бўлиб вояга етишлари мақсадида юртимизда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан яқинда Яккасарой туманидаги 89-умумтаълим мактабида, шунингдек, Мирзо Улуғбек туманидаги 71-умумтаълим мактабида янги спорт зали бунёд этилиб фойдаланишга топширилгани ўғил-қизларимизни мамнун этгани шубҳасиз. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда жамғарманинг Тошкент шаҳар филиали, ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида ўғил-қизларимизга туҳфа этилган ушбу залларда спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланиш учун барча қулайликлар яратилган. Эътиборлиси, ушбу таълим масканларининг спорт заллари зарур бўлган барча жиҳозлар билан таъминланган бўлиб уларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётгани эса кишида фахр туйғусини уйғотади.

Замонавий тарзда бунёд этилган ва этилаётган спорт заллари да малакали мураббийлардан таҳсил олиб спортга ошно тутинган ўғил-қизлар орасидан келажакда Ўзбекистон ҳамда жаҳон чемпионлари етишиб чиқса ажаб эмас.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2016 йил 5 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан, 2012 йил 12 ноябрь кунги 10-1218/19834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Юксалиш кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 780 кв.м. бўлган 2-қаватли дўкон такроран қўйилмоқда. Бошланғич нархи 1 802 694 000 сўм.

2016 йил 19 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан, 2015 йил 30 ноябрь кунги 10-1521/18679-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 146Б-уйда жойлашган, умумий майдони 309 кв.м. бўлган нотурар кўчмас мулк қўйилмоқда. Бошланғич нархи 294 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 20% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

Наврўзи олам яқин

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГУЛЛАБ-ЯШНАЙДИ

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан юртимизга Наврўз умумхалқ байрами яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан ҳамда Тошкент шаҳрини янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида "Яшил акция" тадбири ташкиллаштирилди.

Юнусобод тумани, 4-мавзедаги "Наврўз" маҳалласи ҳудудида амалга оширилган акцияда маҳалла фаоллари, ўсмир ёшлар ҳамда аҳоли томонидан жами 200 тупга яқин игнабаргли Виргин арчаси, гулхайри кўчати, Крим қарағайи, ҳар хил мевали дарахт кўчатлари ҳамда 50 га яқин атиргуллар ўтқазилди.

Тошкент шаҳри атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасининг 90 фоиздан ортиғини автотранспортлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай акцияларнинг нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини англаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда шаҳримизда 220 турдан ортиқ дарахт ва буталар ўсади. Шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида ҳар йили икки маротаба, яъни баҳор ва куз фаслларида оммавий равишда дарахт кўчатларининг экилиши учун Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳри ҳудудида кўчатларни экишни ташкил этиш тўғрисида"ги махсус фармойиши қабул қилинган ва унга асосан кўкаламзорлаштириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Аҳоли яшаш зонасининг ҳар бир киши жон бошига тўғри келиши лозим бўлган кўкаламзорлаштириш меъёри 50 кв.метрни ташкил этадиган бўлса, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 69 кв.метрдан иборат.

Юнусобод туманида ўтказилган "Яшил акция" тадбири жорий йилнинг март ойи давомида шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам уюштирилади.

Зеро, она юртимизда дов-дарахтларнинг янада кўпайишини таъминлаш, уларга шикаст етказмаслик ҳамда ноқонуний кесилишининг олдини олиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Шундагина биз ўсиб келаётган келажак авлодга нафақат соф мусаффо ҳавони таъминлаб берган, балки она табиатимизнинг гўзал манзараларини ҳам асллигича қолдирган бўламиз.

(Ўз мухбиримиз)



Ҳар гал Наврўз кириб келаётиб, қалбимизда гўзал туйғулар ғунча очади. Наврўз баҳорий кайфият, шўх-шодонликлар, тансиқ таомлар, қизалоқлар сочидаги толпопукдангина иборат эмас, балки у янги умид ва янги режалар, руҳиятимиздаги янги тозаришлар айёми ҳамдир.

НАВРЎЗ — КЎНГИЛ МУНАВВАРЛИГИ

Жаннатмакон ўлкамизда фасларнинг алмашиниши, қаҳратон қишнинг баҳорга ўрин бўшатиши туфайли қиш бўйи мудраб ётган далаларда тафт пайдо бўлади. Сепилган уруғларнинг ниш отиши, она ернинг яшилликка бурканиши, буларнинг барчаси табиий мувозанатга асосланган. Инсоннинг ҳаёти ҳам ана шу мувозанатда ўз ифодасини топади.

Сув ва қуруқлик, кун ва тун, тоғлару яланғликлар ўртасида ҳам илоҳий мувозанат бор. Уларнинг бошида йилда бир марта келадиган Наврўз туради.

Наврўз мувозанати нафақат моддий оламга, балки маънавий ҳаётимизга, амалларимизга, уйқу ва бедорлигимизга ҳам тааллуқлидир. Инсон ҳаёти давомида буюк ихтиролар қилади, моддий бойликлар яратади, дунёни безайди ва ўзи ҳам безанади ҳамда ўзи яратган нарсалардан баҳраманд бўлади.

Наврўз ҳаёт чироғининг ўчмаслигидан, она заминнинг буюк само бағрида айланиши ва бобо қуёшнинг мангу нур сочишидан далолат беради.

Донишманд она ер кўркамлик либосига бурканади, табиат уйғонади, туйғуларимизда уйғониш ва тиниқлашиш юз беради. Кўчалар, ҳовлилар тартибга келтирилади. Ҳосилдор далалар етилиб, кўпчийди. Қушлар симфонияси, кўкламойим қўшиқлари авжига чиқади.

Бу айёмда бир-биримизга анча меҳрибон ва яқин бўлиб қоламиз. Эзгу ниятлар қилиб, бир-биримизни бағримизга босамиз. Гина-кудуратлар унутилади, қиш бўйи намиққан хоналарнинг ойналари очилиб, вужудларга мусаффолик сингади. Дошқозонларда сумалаклар қайнайди. Тандирларда кўк сомсалар ёпилади, гўжа ошлар пиширилади. Инсон қалби мунаввар туйғуларга тўлиб, кўнгиллар янгиланишга юз тутади.

Наврўзни қандай кутиб олишимизда ва бу табаррук айёмга ўзимизни қандай чоғлашимизда гап кўп.

Мамлакатимизда жамиятнинг бош бўғини бўлган – оилани, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш режаси қабул қилинган бўлиб, бу режа ва вазифалар энг аввало, инсон фароғати, оилалар мустаҳкамлиги, ҳаётимизнинг тинч-тотувлиги, азиз фарзандларимизнинг ёруғ камоли учунлигини дилдан ҳис этиб, барчамизнинг кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Бу қутлуғ байрам маънавий ҳаётимиз мазмунига айланиб бормоқда. Наврўз тароналари жанубий вилоятларимиздан бошланиб, бутун мамлакатни, қалбларни қамраб олади. Бу байрамда қилинган эзгу ниятлар, кекса ва нуронийларимизнинг дуолари туфайли мустақил Ватанимиз янада файзли ва кўркам бўлиб бораверади. Дастурхонларимизга қут-барака инади.

Меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, тинчлик, тотувлик, бунёдкорлик ишлари — Наврўздан бошланади. Ана шу умрбоқий умумхалқ сайли олдидан ўлкамизнинг барча гўшаларида қурилиш ва таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, саранжом-саришталик ишлари авж олиб, умумхалқ ҳашарларига айланади.

Буюк аждодларимизнинг бардавом қадриятларидан бири Наврўзи олам байрамига азал-азалдан интиқлигимиз баҳорга ошуфталиқнинг беқиёс ифодасидир.

Марям АҲМЕДОВА

"КАМОЛОТ" ХАБАРЛАРИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институти "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилотининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда 124 нафар институт талаба-ёшларидан сайланган делегатлар иштирок этди. "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Учқун Алимов институт "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилотининг ўтган 2015 ўқув йилида ҳамда ёшларнинг ташаббускорлиги ва интилувчанлигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

Бошланғич ташкилотнинг 2016 йил учун янги Кенгаш таркибига таклифлар берилиб, делегатларнинг овоз бериш йўли билан таркиб аниқлаб олинди. Делегатлар Кенгаш аъзолари таркибидан У.Алимовни яна бир йил муддатга "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилот етакчиси сифатида сайлашди.

Тадбир сўнгида 2015 йилда Ҳаракат фаолиятида фаоллик кўрсатган ёшлар фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

* * *

"Ёшлик" Талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши, Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш мавзуига бағишланган тадбир ўтказилди.

Учрашувда Олмазор туман "Соғлом авлод учун" хайрия фонди Тиббий-ижтимоий марказ мутахассислари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хотин-қизлар репродуктив саломатлиги, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, осойишта турмуш тарзи ҳамда келажакка таҳдид солаётган касалликларнинг олдини олиш ҳамда соғлом она ва бола саломатлигини таъминлаш борасида маълумотлар бериб ўтилди.

* * *

Шайхонтоҳур тумани "Камалак" болалар ташкилоти томонидан тумандаги барча умумий ўрта таълим мактабларидаги аъзолари ўртасида "Камалак" билимдонлари" кўрик-танловининг мактаб босқичлари юқори савияда бўлиб ўтмоқда.

Танловни бошлаб берган 42, 320 ва 113-мактаблар ўқувчилари билим ва иқтидорларини намоён этишди.

Мазкур танловни ўтказишдан асосий мақсад "Камалак" болалар ташкилоти аъзолари ўртасида "Камалак" ҳамда "Камолот" фаолиятига оид билимларини ўрганиш ва ўз салоҳиятларини намойиш этишларига замин яратишдан иборатдир.

Жамоалар 4 та шарт асосида беллашиб, билим ва салоҳиятларини яна бир бор намоён қилишди. Танлов натижаларига кўра, 42-умумтаълим мактабининг "Камалак кулгуси", 320-умумтаълим мактабининг "Камолот гуруҳи", 113-умумтаълим мактабининг "Серқирра ёшлар" жамоалари ғолиб деб топилиб, туман босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

* * *

Чилонзор туманидаги 4-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернатида "Адабиётга бахшида умр" мавзуида тадбир ташкил этилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ҳамда мактаб интернати маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев иштирок этди.

Тадбир давомида адиб ўқувчи-ёшларга ўзининг адабиёт оламига кириб келиш тарихи, болалик пайтларида бошидан кечирган қийинчиликлар, ўқувчи-ёшларга бугунги кунда яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш ва устоз-мураббийлардан пухта билимларни эгаллаш лозимлигини уқтириб ўтди.

Худойберди Тўхтабоев тадбир иштирокчиларига қалбига манзур шеърлар, эртак ва ҳикоялардан парчалар ўқиб берди. Бугунги кунда болалар севиб ўқийдиган "Сариқ девни миниб", "Сеҳрли қалпоқча" каби асарлар юзасидан савол-жавоблар, баҳс ва мунозаралар ташкил этилди. Тадбир якунида мактабнинг иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилари томонидан миллий мусиқаларимиз асосида сайқалланган рақслар, баҳру байт ва айтишувлар намойиши ташкил этилди.

Зарина РУСТАМОВА

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олаётган талаба-ёшлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тадбир "Соғлом халқ, соғлом миллат — буюк ишларга қодир бўлади" деб номланди.



ТАЛАБАЛАР АНЖУМАНИ

Тадбир аввалида соғлом турмуш тарзини акс эттирувчи, мафкуравий таҳдидларга қарши курашишга қаратилган ижодий ишлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмунини, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурининг моҳиятини англаш, юртимиз тинчлигига раҳна солувчи ёвуз кучларнинг мафкуравий хуружларига қарши талаба-ёшларнинг иммунитетини, она-юртга муҳаббат, қалбида фахр ва ғурур туйғуларини ошириш, Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олаётган талабаларда "Мен Ўзбекистон Республикасида яшашим билан ғурурланаман — Тошкент тиббиёт академиясида ўқишим билан фахрланаман" деган эзгу ғояни сингдириш, ўз интилиши билан мамлакатимиз тараққиётига дахлдорлик туйғуларини уйғотиш мақсадида ташкил этилди.

Анжуманда "Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати — ёшлар нигоҳида", "Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя", "Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидлар", "Соғлом она ва бола — баркамол авлод шаклланишининг кафолати" мавзуларида талабалар томонидан чиқишлар қилинди.

Ҳар йили талабалар анжумани ўзида эзгу ғояларни акс эттирган ном остида ўтказилиши одат тусига кирган бўлиб, бу галги V анжуман талабаларимиз томонидан мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган имкониятлар Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, Президентимизнинг асарларида кўтарилган долзарб масалалар "Кеча ким эдиг-у бугун ким бўлдик?", "Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" ғояларининг кўтарилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Кутбиддин НИЗОМОВ

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

ПАТРОНАЖ ОЙЛИГИ САМАРАЛИ ЎТМОҚДА

Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 51-оилавий поликлиниканинг умумий инвестиция дастурига биноан янги биноси қурилиб, аҳоли хизматига топширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу қисқа вақт ичида поликлиникага мурожаатлар сони янада кўпайганлиги орқали аҳолининг тиббий хизматлардан олаётган ижобий натижалари кўрсаткичи ошганлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда 51-оилавий поликлиника тумандаги 10 та маҳаллада яшовчи 34004 нафар аҳолига тиббий хизматлар кўрсатади. Бундан ташқари, 4 та умумтаълим мактаби, 5 та мактабгача таълим муассасаси ва Тошкент туризм коллежи ҳам поликлиникамизга бириктирилган.

Поликлиникамиз УЗИ, дарсенвал, тубус, кварц, лазер, электроуйқу, амплипульс, ЭКГ билан жиҳозланган. Саломатлик лойиҳаси бўйича тиббий анжомлардан музлатгич ва музлатгич сумкалари, автоклав, керакли тиббий ускуналар олинди. Яқин кунларда рентген аппарати ўрнатилиши режалаштирилган.

Даволаш гимнастика хонасида велоэргометр, электр чопиш йўли мавжуд.

Поликлиникада юрак хасталиги, эндокрин ва неврологик хасталиклар, ортопедик касаллик бўйича машғулотлар ўтказилмоқда.

Чуқурлаштирилган тиббий кўрикка ёлғиз яшовчилар, уюшган ва уюшмаган болалар, туғиш ёшидаги аёллар ва катта ёшдаги аҳоли қамраб олинади. Уюшган болаларнинг чуқур тиббий кўриклари тор мутахассислар иштирокида мактаб, мактабгача таълим муассасаси ва коллежларда ташкил этилади.

Оилавий поликлиникада 10 та ўринга мўлжалланган кундузги шифохона ҳам фаолият юритиб, бу поликлиника ҳудудидаги беморларга даволанишларида яратилган қулайликлардан биридир.

Даволаш жараёнида дори-дармонлар билан бирга даволовчи жисмоний машқларни бажаришни касалликларга қарши курашишнинг энг маъқул усули десак хато бўлмайди.

51-оилавий поликлиникага қарашли маҳаллалар маслаҳатчилари билан биргаликда "Саломатлик сектори"нинг асосий вазифалари ва амалга ошириладиган ишлар тасдиқланади, ҳафта кунларида масъул шахслар тайинланади, саломатлик сектори структураси янгиланади.

Оилавий поликлиникада очилган фитобар аҳоли хизматида. Беморларимиз шифокор тавсиясига кўра шифобахш дамламалардан фойдаланиб саломатликларини тиклаш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Бундай қулайликларнинг тиббиётнинг қуйи бўғинида мавжудлиги мамлакатимизда тиббий хизматлар салоҳиятининг янада ошаётганлигига мисол бўла олади.

2016 йилнинг Президентимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши тиббий ходимлар томонидан аҳолини оналар, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни парваришлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва дастурларда иштирок этишга фаол жалб қилиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлом ва аҳил оила қуриш афзалликларини тарғиб этишга даъват этади.



Бундан кўзланган мақсад аҳоли саломатлигини муҳофазалашга йўналтирилган ишлар кўламини янада кенгайтириш, тиббий-профилактика тадбирларини кўпайтириш, фертиль ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, болалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахслар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касаллиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган беморлар ҳолидан хабар олиш ва тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни такомиллаштиришдир.

Маълумки, мамлакатимизда 1 мартдан 1 апрелгача "Патронаж ойлиги" ўтказилмоқда.

Патронаж ойлигида УАШ, УАХлар билан биргаликда тор соҳа мутахассислари томонидан "Д" назоратидаги сурункали хасталиги бор беморларга патронаж ишлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари 4-силга қарши диспансер, шаҳар онкология диспансери, 1-ШКШдан ҳам мутахассислар бириктирилиб, беморлар ҳолидан хабар олинмоқда. Бунда айниқса поликлиника тасарруфидаги "Шаҳристон" маҳалласи аҳолисига хизмат кўрсатувчи умумий амалиёт шифокорлари М.Бозорова, Д.Алимова, У.Кушакова, В.Турсунова ва "Анорзор" маҳалласи аҳолисига хизмат кўрсатувчи умумий амалиёт шифокорлари Н.Салимова, УАШлари Н.Исаева, Г.Салохутдиновалар маҳалла фаоллари билан биргаликда амалга оширилаётган ишлари эътиборга сазовордир.

Гўзал ҚОДИРОВА,
51-оилавий поликлиника бош шифокори

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **11 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 мартда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2030-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.20
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ